

УДК:633.51.631.879.4

**СУРХОНДАРЁНИНГ ТАҚИР ТУПРОҚЛАРИ ШАРОИТИДА ИНГИЧКА
ТОЛАЛИ ҒЎЗАНИ ПАРВАРИШЛАШДА ҚЎШИМЧА ОЗИҚАЛАРНИНГ
ТАЪСИРИНИ ЎРГАНИШ**

С. Болтаев

ТАИРИ қ.х.ф.д., профессори

Ж. Абдиназаров

ПСУЕАИТИ таянч докторанти

Х.Ибрагимов

Магистр

Аннотация: *Илмий мақолада ингичка толали ғўза навига бентонит лойқаси ва гулоб фосфарити қўшимча озиқалар берилганида ингичка толали ғўзанинг унувчанлиги, ўсиши, ривожланиши ва ҳосил тўплашига таъсири баён этилган.*

Калит сўзлар: *Агрорудалар, Бентонит лойқаси, гулоб фосфарити, кампост, қўшимча озиқа*

**ИЗУЧЕНИЕ ВЛИЯНИЯ ДОПОЛНИТЕЛЬНЫХ ЭЛЕМЕНТОВ ПИТАНИЯ
ПРИ УХОДЕ ЗА ТОНКОВОЛОКНИСТЫМ ХЛОПЧАТНИКОМ В УСЛОВИЯХ
ТАКЫРНЫХ ПОЧВ СУРХАНДАРЬИНСКОЙ ОБЛАСТИ.**

В научной статье описывается влияние тонковолокнистого хлопка на плодородие, рост, развитие и сбор бентонитовой гряды и фосфоритов для дополнительных питательных веществ.

Ключевые слова: *агроруды, бентонитовая черепаха, фосфориты розы, кампост, дополнительные питательные вещества.*

**STUDY OF THE EFFECT OF ADDITIONAL NUTRIENTS IN THE CARE OF
FINE-FIBER COTTON IN THE CONDITIONS OF LOOSE SOILS OF
SURKHANDARYA REGION**

The scientific article describes the effect of thin-fiber cotton on the fertility, growth, development and harvesting of bentonite mud and phosphorite for supplementary nutrients.



Keywords: *Agroclides, Bentonite tortoise, rosemary phosphorite, compost. supplementary nutrients*

Республикамизда кейинги йилларда қишлоқ хўжалигида олиб борилаётган ислохотлар самараси натижасида ингичка толали пахтани етиштириш, хусусан ингичка толани пахтани миқдорини кўпайтириш бўйича кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Тақир тупроқларда пахта ҳосилдорлигига қўлланилган қўшимча озиқаларнинг таъсири.

Чигитни экиш муддати ва миқдоридан ташқари, тупроқнинг физик хоссалари, унинг мелиоратив ҳолати, унумдорлик қобилияти чигит экиш усули пахта ҳосилдорлигига бевосита ўз таъсирини кўрсатади. Бундан ташқари бизнинг тажрибада ғўза парвариш этилаётган дала тупроғи ўртача шўрланган бўлиб бундай тупроқ шароитида ғўзадан етарли кўчат олиш ва унинг мавсумий ривожланиш даврида тупроқ ҳайдов қатламида зарарли тузларнинг миқдорий ҳамда сифат жиҳатидан ўзгариб туриши ғўзанинг ўсиб ривожланиши ва ҳосил тўплашига ўзига хос таъсир этди.

Тажрибада қўлланилган қўшимча озиқаларнинг озиқалик хусусияти борлиги сабабли мавсумий маъданли ўғитлар билан озиқлантириш барча вариантларда камайтирилган меъёрда берилиб, амал даврида тўрт марта суғорилди. Тупроққа қўлланилган қўшимча озиқалар кузда шудгордан аввал қўлланилганлиги учун ингичка толали ғўзанинг ривожини ва ҳосил тўплаши турли таъсир этди. Иш дастурига кўра маъдан ўғитлар меъёрини барча вариантларда ҳам қўшимча озиқа сифатидаги тупроқ унумдорлиги ва мелиоратив ҳолатига таъсири, шунингдек қўшимча озиқаларнинг таъсирида ингичка толали ғўзанинг вариантлар бўйича ўсиши, ривожланиши, ҳосилдорлиги таҳлил этилади. Тажрибада 2020 йилда теримлар бўйича ҳосилнинг энг кўп терим салмоғи биринчи теримда 3,0 т/га гулиоб фосфарити ва 10 тонна чала чириган ғўнг билан таййорланган компост озиқа қўлланилган 6-вариантда бўлиб, бу вариант биринчи теримда **28.6** ц/га ни ташкил этди ва назорат вариантдан 4,4 ц/га ҳамда андоза вариантдан эса 2,2 ц/га устун бўлди. Тажрибада қўлланилган қўшимча озиқаларнинг ҳам мелиоратив ҳамда қўшимча озиқалик хусусияти борлиги сабабли камайтирилган меъёр маъдан ўғитлар фонидида 6-4-вариантларда биринчи ва умумий ҳосилдорлик бошқа вариантлардан юқори бўлганлиги аниқланди.

Иккинчи ва учунчи терим салмоғи ҳам 6-4-вариантларда яхши бўлди.

1-жадвал



1-жадвал

Тажриба даласида теримлар ва қайтариқлар бўйича ҳосилдорлик, ц/га

Вариантлар		Теримлар			Ҳосилдорлик, ц/га	Қайтариқлар			Ўртача ҳосил, ц/га
2020-2022 йил ўтказилган тажриба натижалари		1	2	3		I	II	III	
Андоза	-	26,4	3,4	0,6	30,4	30,7	31,0	29,5	30,4
Назорат	-	24,2	3,3	0,5	28,0	27,9	28,7	27,4	28,0
Бентонит	3,0 (бентонит) шудгор остига	26,5	3,7	1,0	31,7	31,7	31,8	31,6	31,7
Бентонит	3,0 (бентонит)+10 ярим чири гўнг билан тайёрланган компост шудгор остига	27,3	3,9	1,0	32,2	32,0	31,9	32,7	32,2
Гулиоб фосфорити	3,0 т (гулиоб фосфорити) шудгор остига	27,0	3,9	1,1	32,0	32,3	31,6	32,0	32,0
Гулиоб фосфорити	3,0 т.г.фосфорити+ 10 т ярим чириган гўнг шудгор остига	28,6	4,1	1,2	33,9	33,9	34,6	34,1	34,2
фосфоритли компост	2т (фосфорити компост)	27,0	3,0	1,0	31,0	31,0	29,5	28,5	30,0
бентонитли компост	2т (бентонитли компост)	28,0	3,2	1,0	32,2	32,2	33,6	33,2	33,0

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

- Исаев Б.М., Белоусов М.А., Кадыров Ю. Влияние комплексных соединений цинка и меди на физиолого-биохимические процессы и продуктивность хлопчатника. //Вопросы физиологии и биохимии хлопчатника. Ташкент.1973. [Стр 31-33б]
- Белоусов М.А. Роль микроэлементов в корневом питании хлопчатника. Книга физиологические основы корневого питания хлопчатника.// Ташкент. Издательство «ФАН» 1975. –[Стр. 201-218б]
- Ниязалев Б.И. Тупроқ унумдорлигини оширишда органик ўғитлардан самарали фойдаланиш омиллари//Халқаро илмий амалий конференция. – Тошкент: Ўзбекистон, 2007. [–Б. 89-92]
- Болтаев С.М Ғўза мажмуидаги зироатлар ҳосилдорлигига ва тупроқ унумдорлигига ноанъанавий органик-минерал компостларни қўллаш самарадорлигини ошириш. Диссертация, 2018.[-Б-200]



<p align="center">“Ўзбекистон жанубида қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг истиқболлари” мавзусидаги Республика миқёсидаги илмий анжуман бўлиб маълумотлари:</p>	
Муаллифнинг Ф.И. Ш	Ж. Абдиназаров, С. М Болтаев, Х.Худжамкулов
Илмий даражаси, унвони:	ассистент, қ.х.ф.д, талаба
Лавозими	ассистент, катта ўқитувчи, талаба
Ташкилот номи:	Тош ДАУ Термиз филиали, ТерДУ
Телефон:	+99890-911-36-48
Маъруза тури (ялпи мажлисда, шўъба йиғилишида):	шўъба йиғилишида
Шўъба йўналиши:	1-шўъба: Тупроқ унумдорлигини сақлаш ва экинлар ҳосилдорлигини оширишнинг долзарб масалалари.
Маъруза мавзуси:	Сурхондарёнинг тақир тупроқлари шароитида ингичка толали ғўзани парваришлаш агротехнологиясида қўшимча озикларнинг аҳамияти
Сана:	01.05.2020й
Имзо:	

